

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ — МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИ



Шавкат ҚЎЗИЕВ

ўқитувчи

Гулистон давлат университети

shakki@bk.ru



Сафина РАХМОНОВА

талаба

Гулистон давлат университети

safina_r@mail.ru

Аннотация

Мақолада масофавий таълимнинг афзалликлари, унинг истиқболи ҳақида сўз юритилади. Муаллифлар, шунингдек, масофавий таълимнинг муҳим ташкилий қисми ҳисобланган моделларни ҳам батафсил изоҳлаб берадилар, моделлар ва уларнинг компонентларига алоҳида эътибор бериш зарур эканлигига диққатни қаратадилар. Бундан ташқари, мақолада АКТнинг масофавий таълимни ташкил этишда муҳим эканлигига алоҳида таъкидланган.

Калит сўзлар: маълумотлар оқими, мустақил ўқиш, квалификация, масофавий, восита, малака, электроника, жараён.

ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ И ТЕХНОЛОГИЯ — БУДУЩЕЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Шавкат КУЗИЕВ

преподаватель

Гулистанский государственный университет

shakki@bk.ru

Сафина РАХМОНОВА

студентка

Гулистанский государственный университет

safina_r@mail.ru

Аннотация

В статье говорится о преимуществах дистанционного обучения и будущем дистанционного образования. Авторы также дают подробный обзор моделей, которые являются организационной частью дистанционного обучения, и обращают внимание на то, что необходимо уделять особое внимание моделям и знать их компоненты. Кроме того, в статье особое значение придается важности ИКТ в организации дистанционного обучения.

Ключевые слова: поток данных, независимое обучение, квалификация, дистанционный, навыки, устройство, электроника, процесс.

DISTANT LEARNING AND TECHNOLOGY IS THE FUTURE OF NATIONAL EDUCATION

Shavkat KUZIYEV

Teacher

Gulistan State University

shakki@bk.ru

Safina RAKHMONOVA

Student

Gulistan State University

safina_r@mail.ru

Abstract

The article is devoted to the advantage of distant education, its perspectives and its significance in today's world. The author also gives a detailed overview of models that are considered to be the basis of distant education. On the basis of this, it is important to be careful with the models and know their components. In addition, in the article the significance of ICT in the organization of distant learning has been placed in the center of attention.

Keywords: data flow, independent learning, qualification, distant, skills, device, electronics, process.

Таълим соҳасини такомиллаштириш, янги технологиялардан унумли фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб мавзусига айланган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни зиммамизга дунёдаги янгиликлардан боҳабар бўлиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни талаб қилади. Таълим соҳасида кўп янгиликлар рўй бермоқда. Масофадан ўқитиш тизими бунинг яққол намунасидир. Бу тизимни сиртқи таълимнинг янги шакли, дейиш ҳам мумкин. Масофадан ўқитиш мустақил ўқишни англатади. Шу боис мустақил ўқиш инсонни мустақил фикрлашга, вазиятга тўғри баҳо беришга, хулоса чиқаришга ўргатади, тинмай ўз устида ишлашга ундайди. Масофадан ўқитишнинг энг афзал томонларидан бири, бу – ўқувчининг ўзи учун қулай пайтда таълим олиши мумкинлигидир. Ўқувчи бу тизимдан иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда фойдаланиш имкониятига эга эканлиги боис, бу унинг иш фаолиятига таъсир кўрсатмайди. Бундан ташқари, ўқувчининг моддий тарафдан сарф-харажатлари анчага тежалади.

Масофадан ўқитиш тизимининг афзаллик томонлари кўп бўлгани боис дунё миқёсида кенг фойдаланилмоқда. Ўқиш истагида бўлганлар дунёнинг исталган нуқтасига масофадан ўқитиш тизими орқали боғланиб, нуфузли университетларда таълим олишмоқда. Талабага яна бир фойдали томони – унинг ўқитувчини ўзи танлайди. Унинг билимларни ўзлаштириши ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Талаба берилаётган таълимни қанча тез ўзлаштира, ўқишни шунча тез тамомлайди ва гувоҳномага эга бўлади. Агар белгиланган қисқа муддатда ўзлаштира олмаса, ўқишни давом эттириш имконияти берилади. Бу тизимнинг самарали томони – ўқувчининг тизимдан олаётган билим, кўникма ва

тажрибаларни бир вақтнинг ўзида иш жараёнида ҳам қўллай олиш имкониятининг мавжудлигидадир.

Масофадан ўқитишни ташкил этишнинг асосини коммуникация ва замонавий тармоқ технологиялари яратади. Замонавий таълим замирида шахсга йўналтирилган таълим, ўқув жараёнини индивидуаллаш ва дифераллаш, ўрганувчиларнинг мустақил ишлашини шакллантириш ҳамда шу сингари тушунчалар ётади. Таълимнинг ўқув жараёнини АКТ ёрдамида ҳам кундузги, ҳам масофавий тарзда ташкил қилинишини таъминловчи мазкур концептуал ғоялар замонавий ахборот муҳитида акс этмоқда (1, 145). Масофадан таълим олиш истагида бўлганларни таълим муассасаси жойлашган масканга жалб этиш шарт эмас. Ортиқча харажат сарф этилмайдиган бу таълим турига жалб қилинувчилар ёши чекланишини истисно қилиш мумкин.

Ўзбекистон шароитида масофадан ўқитиш тизими жуда катта самара беради. Ўқишни чет элда давом эттиришни истаганлар ўша давлатга бориб, таълим оладиган бўлса, талабаларнинг у ерда истиқомат қилишлари, хавфсизлиги, албатта тўлиқ давлат томонидан таъминланиш зарурати мавжуд. Лекин бу ёшлар масофадан ўқитиш тизимидан фойдаланиб, олган билим ва малакаларини давлатимиз ҳудудида татбиқ қилишса, ҳам давлатга, ҳам таълим жараёнига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ҳозирги кунда кўплаб ютуқларга эришган ёшларнинг кўплиги – давлат таълим тизимининг юқорилаётганлигидан далолатдир. Бундан аён бўладики, масофадан ўқитиш тизими ҳар жиҳатдан самара бермоқда.

Ҳозирги илмий тадқиқотларга кўра, бир қанча мутахассислар масофавий ўқитиш тизимида моделлар яратиш устида бир қанча ишлар олиб бормоқда. Масалан, Э. С. Полат бошчилигидаги жамоа ўз монографиясида қуйидаги олти таълим моделни тақдим этган (3, 28-43):

1. *Экстернат тури бўйича ўқитиш.*
2. *Университет масофавий таълим модели.*
3. *Бир неча олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ўқитиш.*
4. *Иқтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқитиш.*
5. *Автоном ўқитиш.*
6. *Мултимедиа дастурларига асосланган норасмий, интеграллашган ўқитиш.*

Бугунги кунда дунёдаги ривожланган мамлакатлар ушбу олти моделдан фойдаланмоқдалар. Ушбу моделлардан фойдаланишнинг қулайлиги, фойдали жиҳатлари эътиборни тортади. Бунда, аввало, пухта ўйлаб, мақсадни аниқ белгилаш муҳим.

Моделларнинг биринчиси **экстернат** тури орқали *малакасини оширишни ёки ўзгаришни истаётган кишилар қисқа муддат ичида, иш фаолиятидан ажралмаган ҳолда мақсадларига эришади; иқтидорли талабалар ўз вақтларидан унумли фойдалана олади ва қисқа вақт ичида муайян малакани эга бўлади.*

Масофавий таълимнинг бу шаклига Лондон университетини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Университет масофавий таълим модели эса бир университет базасида мавжуд таълим йўналишлари ўқув режасидаги фанларнинг АКТ асосида ташкил этилган масофавий таълим техник воситалари орқали ўқитишдир. Ҳар бир фан учун тегишли кафедралар томонидан яратилган ва мунтазам сайқалланиб боровчи электрон китоблар ахборот ташувчи турли хил сайтлар орқали ўқувчига етказилади. Талабанинг ўзлаштириш даражаси доимий назорат остига олинади. Бу моделнинг устун тарафи шундаки, мукамал ва замонавий технологиялар асосида яратилган электрон китоблар таълимнинг кундузги ва бошқа шакллари учун қўл келади. Натижада, ўқувчиларнинг билими кенгайишига ҳамда уларнинг технологияга оид мавжуд янгиликлардан бохабар бўлишига замин яратилади. Университет масофавий таълим тизимидан ҳатто нуфузли университетлар ҳам фойдаланмоқда жумладан: Англиянинг Оксфорд ва Кембридж, Австралиянинг Жанубий-Уэльс, Канаданинг Ватерлоо, Голландиянинг Шеффилд, Янги Зеландиянинг Массей ҳамда Пенсильвания университетлари.

Бир неча олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигига асосланган масофавий таълим модели. Бу моделнинг асосини бир неча таълим муассасаси ҳамкорлигида ягона электрон китоб яратиш ташкил этади. Бу, аввало, ўзининг юқори сифатлилиги ва илмий жиҳатдан мукамаллиги билан ажралиб турса, иккинчидан, молиявий томондан кам харажат қилинади. Масофавий таълимнинг бу шакли Европа қитъасидаги инглиз тилида сўзлашувчи давлатлар, шу ўринда, Буюк Британия ҳамкорлигида “Таълимда ҳамкорлик” (Commonwealth of Education – 1997) дастури асосида яратилди. Шу сабабли Европадаги инглиз тилида сўзлашувчилар ўз уйларида туриб, ушбу яратилган тизим орқали ўша давлатларнинг коллеж ва университетларида ўқиши мумкин бўлади. Юқоридаги бешта давлатнинг илмий салоҳияти бирлаштирилган ва уларнинг тажрибалари умумлашгани таълим оловчилар учун жуда қулай имкониятдир.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамкорлигида ташкил этилган масофавий таълим модели. Ушбу моделда мултимедиа курсларидан кенг фойдаланилади ва шу билан бирга, талабаларга таҳсил бериш, уларнинг билимларини баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Масофавий таълим дастурлари ва электрон китоблар бир неча таълим муассасалари орасида тақсимланади. Бу жиҳат эса масофавий таълим шартномасининг қийматининг камайишига олиб келади.

Автоном ўқитиш моделидаги ўқитиш дастурлари мустақил таълим олишга асосланиб яратилган. Талабаларни ўқитишда асосий ўқитиш воситаси – сунъий йўлдош орқали узатиладиган радио ва телемаърузалар ҳисобланади. Аммо сунъий йўлдош орқали узатилган маълумотларнинг қимматлиги ва шу боис ўқувчиларнинг белгиланган марказда бўлишлари зарурлиги ушбу моделнинг ноқулай томонидир.

Мултимедиа дастурларига асосланган, норасмий, интеграллашган ўқитиш модели. Масофавий таълим тизимида бу модел кам қўлланилади. Бунинг сабаби – малака ошириш, қўшимча мутахассисликни эгаллаш ёки тил ўрганиш кабилар бўйича ўқитувчилар ва таълим муассасаларига мурожаат қилиш зарурати бўлмаган дастурлардан иборат бўлиб, компьютер, телевидене ва радио орқали ўрганилади (5, 655).

Бундан аниқ бўладики, масофавий таълимдан фойдаланганда, мана шу моделларга эътибор бериш зарур. Шу ўринда айтиш жоизки, масофавий таълим жараёнининг асосий таркибий қисмлари мавжуд, улар қуйидагиларни ташкил этади:

1. *Фан мазмунининг баёни.*
2. *Ўқитувчи билан ўзаро бевосита ва билвосита мулоқот.*
3. *Амалий топшириқларнинг бажарилиши.*
4. *Талаба билимини баҳолаш ва назорат қилишдан иборат.*

Моделларнинг ҳар бирида шу таркиб қўлланилади. Баъзи моделларда ўқитувчи ўқувчига таълим беришда анъанавий таълим тизими яъни, аудиторияда ўтиладиган дарс жараёнини сақлаб қолади ва шу йўсинда ўқувчиларга таълим беради. Бу ҳам ўқувчиларнинг масофадан ўқитиш тизимига мослашишга, янада эътиборли бўлишга ундайди.

Демак, барча моделлар билим олиш истагида бўлган талабалар ёки корхона ходимларига имконият эшикларини очади. Улар орқали ҳар ким ўзи учун қулай ва моддий жиҳатдан мос услубни танлаш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ерошкин С. Ю. Перспективы социально-экономического и инновационно-технологического развития государства // Ценности и интересы современного общества: мат-лы междунар. науч.-практ. конф. / Московский гос. ун-т экономики, статистики и информатики. М., 2014. С. 145-149.
2. Каменева Н. А. Использование компьютерного перевода как средства межкультурной коммуникации при обучении иностранным языкам // Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2014. № 4. Ч. 1. С. 99-102.
3. Полат Е. С. Теория и практика дистанционного обучения: учеб. пособие. М.: Академия, 2004. - 416 с. 28-43.
4. Каримов.И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. - 108. б. 84-86.
5. Горева О.М. Дистанционное обучение: Возможности и Перспективы // Современные наукоемкие технологии. – 2015. – № 12-4. – С. 655-659;